


# ЎЗБЕКISTON

## BUNYODKOR



### СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

Шу куннинг гаплари

### ЮРТ КЕЛАЖАГИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

“Бошланган йилимизда республикамиз бўйича **30 та** замонавий мактаб қуриш,

**320 та** мактабни таъмирлаш ва бунинг учун давлат бюджетидан

**2 триллион сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилди”.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан).

### ПАСПОРТИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Дунёда ўтказилган сўнги рейтингда Ўзбекистон паспорти уч поғонага пасайди ва

**86 ўринни**

эгаллади. Шундай бўлса-да, эндиликда фуқароларимиз

**57 та** мамлакатга визасиз кириб боришлари ёки ўша манзилга етиб борганларидан кейин виза очишлари мумкин.

### ЎЗБЕКISTON ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Афғонистон давлатидан ташриф буюрган бир гуруҳ шифокорлар дунёни ларзага солган коронавирус хасталигини даволаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганишмоқда.

2021 йил 6 январь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан 3 та қонун муҳокама қилинди.

## Янги таҳрирдаги ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ маъқулланди



www.shutterstock.com

Муҳокамага қўйилган ҳужжатлар қаторида “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама марказида бўлди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларининг барқарорлигини таъминлаш ва кучайтириш, инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш ушбу соҳада ислохотларни жадал амалга оширишга ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришда муаммолар борлигини кўрсатди. Қайд этиш жоизки, ушбу муам-

молар қурилиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маълумини ошириш тизимининг самарадорлигига тўққинлик қилмоқда.

Шу боис, “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун ишлаб чиқилиб, унинг лойиҳаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 8 ой давомида муҳокама этилди, депутатларнинг 30 дан ортиқ асосли таклифлари инобатга олиниб, 90 га яқин таҳририй ва техник тузатишлар киритилди. Депутатлар Қонун лойиҳасини учинчи ўқишда маъқуллаб, Олий Мажлис Сенати томонидан қонун тарзида қабул қилиниши учун киритилди.

2-бет

## Миллий шаҳарсозлик янада ривожланади

Замонавий ва кўркам уй-жойларни қуриб, ҳар томонлама фаровон яшашни ким ҳам истамайди. Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бир умрлик ана шу орзу-истаклари рўйбга чиқмоқда. Лекин иморат қуришда ҳам ўзига хос талаб ва меъёрлар борлигини шу пайтгача кўпчилик билмагани сабабли бажарган ишлари охирида турли нуқсонлари борлигини тушуниб, меҳнати чиппақка чиққанидан афсусланади.

Бундай ҳолатлар янгилик эмас, ҳар бир маҳаллада ёхуд кўчаларда уни кузатиш мумкин. Аксарият ҳолларда, икки қаватдан юқори, цоколни ҳисобга олмасдан, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бино ҳамда иншоотларни қуришади. Ҳолбуки, яқка тартибдаги уй-жойлар, бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳолда амалга оширилади.

Президентимизнинг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга таъминлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида соҳа ривожига йўналтирилган долзарб ишлар қаторида юқорида

таъкидланган масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида вазир ўринбосари Козим Тўлаганов раислигида Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий инспекциялари мутахассислари иштирокида кенгайтирилган тадбир бўлиб ўтди.

Унда фармонда кўзда тутилган барча бандлар юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди. Жумладан, ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва бу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш, шаҳарсозлик фаолиятининг сифати ҳамда хавфсизлигини ошириш, шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар-

нинг маълумини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятини ривожлантириш кабиларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, инновацион ривожлантириш стратегиясини 2021–2025 йилларда амалга ошириш бўйича “Йул харитаси”ни ишлаб чиқиш, 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг камида 50 фоизини халқаро норматив ҳамда стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш, ана шу йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, уларнинг идораларо ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг “ҳажм” услубини жорий этиш улушини 2025 йилга бориб республикадаги қурилиш объектиларини умумий сонининг 50 фоизгача етказиш сингари масалалар доирасида мутахассислар фикр юритишди, ўз таклифларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

### Ислохот

## Қурилиш соҳасида коррупция: ШАФФОФЛИК ВА ОШКОРАЛИК АСОСИЙ МАСАЛА

Миршод ХЎЖАЕВ, Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг барча турлари ва кўринишларига қарши курашиш юзасидан самарали институционал ва ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Шунга қарамайдан, юртимизда коррупцияни қабул қилиш индекси юқориликча қолмоқда.

Жаҳонда коррупциядан энг кўп зарар кўрадиган соҳалардан бири капитал-қурилиш соҳасидир. Капитал-қурилиш соҳасига ажратилаётган маблағлар дунёда ҳам мамлакатимизда ҳам кўпайиб бормоқда. Дунё бўйлаб соҳага ажратиладиган маблағлар ҳажми 2025 йилга келиб 14 триллион АҚШ (бугунги кундаги 14 триллион АҚШ) долларига етиши прогнозлаштирилган. Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳага ажратилган бюджет маблағлари 2019 йилда 69 триллион сўмни ташкил қилган.

Тизимни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи нормалар мавжудлиги, уларнинг халқаро стандартлар талабига жавоб бермаслиги ҳамда шаффофлик ва жамоатчилик назорати етарли даражада таъминланмаганлиги соҳада коррупция хавф-хатарининг юқори бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, 2018-2019 йилларда республика бўйлаб, қурилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 973 та жиноят иши кўзгатилиб, жами 1 минг 233 нафар шахслар жавобгарликка тортилган. 2019 йилда 4 нафар ҳоким, 15 нафар ҳоким ўринбосарлари, 30 нафар ҳокимликлар-

нинг бошқа вакиллари, 3 нафар лойиҳа институтлари, 20 нафар Қурилиш вазирлиги, 43 нафар “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, 63 нафар “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси, 119 нафар “Давергеодезкадастр” кўмитаси тизимида фаолият кўрсатган масъул ходимлар қурилишга оид қинғир ишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Бундай жиноятлардан давлат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан зарар кўриши мумкин.

Иқтисодий жиҳатдан зарарни давлат бюджетининг талон-тароҳ қилинишида сифат жиҳатдан паст даражада бўлган объектлар қурилишида ҳамда потенциал энг самарали пудратчи томонидан қурилиш мумкин бўлган объектнинг бой берилишида кузатишимиз мумкин.

Сиёсий жиҳатдан келтирилди-ган зарар мавҳум кўриниши мумкин. Ҳар қандай коррупция аҳоли орасида давлатга бўлган ишончнинг пасайтириши ҳамда хорижий давлатлар орасида мамлакат нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Ижтимоий жиҳатдан соҳада коррупциянинг юқори даражада эканлиги инфраструктурага ҳам таъсир кўрсатади. Қолаверса, сифатли архитектура аҳолининг фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида Нью-Йорк шаҳри полицияси томонидан юқори даражадаги жиноятчилик қайд этилган ҳудудларда жиноятчиликни камайитириш учун ўша ҳудудларнинг социал объектларини қайта реконструкция қилиш, инфраструктураларни қайта тиклаш, биналардаги “графити”ларни тозалаш ва кўчаларни ёритиш тадбирлари қўлланилган ва ушбу стратегия 10 йил ичида жиноятчиликни 56 фоизга камайитирган.

2-бет

### Муносабат

## Улкан мақсадлар сари



Олимжон ХУДОЙНАЗАРОВ, Қашқадарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.

Халқимиз яратувчан, бунёдкорлик қонимизда бор. Кадрларимиз, урф-одатларимизда эса мана шу одатлар янада яққолроқ акс этади.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатида қатор соҳаларда амалга оширилган ишлар ва режалар билан биргалликда қурилиш, бунёдкорлик борасидаги ислохотларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси ҳам четда эмас.

Ўтган йили барча туманларда бир подъездли 5 қаватли уй-жойлар шаҳарсозлик қоидалари асосида Қурилиш вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган махсус эксперт гуруҳидан ўтказилди. Деҳқонobod туманида «Бўстон», Чироқчи туманидаги «Олтин дала», Ғузор туманидаги «Чаноқ» маҳалла фуқаролар


ийгинлари ва бошқалар шулар жумласидан.

Вилоят шаҳар ва туманлари марказида қуриладиган пиёдалар йўлаги, сайилгоҳ ва велосипед йўлакчаларини ташкил этиш бўйича кўчалар танлаб олинди. Уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Касби туманидаги Бобур кўчаси, Қамаш туманидаги Ифтихор шоққўчаси, Қарши шаҳридаги Мустақиллик кўчаларида бу каби ишлар биринчилар қаторида амалга оширилиши кўзда тутилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Қашқадарё вилояти филиали буюртмасига асосан 2021 йилда 5 қаватли 52 та уй-жойлар барпо этиш учун ер майдонлари танланган.

Тадбиркор пудратчилар томонидан 13 та тумандаги қишлоқ аҳоли пунктларида 5 қаватли 100 та уй-жойлар барпо этиш учун ҳам ер майдонлари танланган бўлиб, бу борада ишлар қизғин бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, қурилиш – бунёдкорлик ишларида Қашқадарё вилоятида ҳам келгусида катта мақсадлар кўзланган.



## МУЗ МАЙДОНИ ЧОРЛАЙДИ



ЎЗА суратлари.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри худудида очик осмон остидаги муз майдонининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

Мазкур бетакрор лойиҳа Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда

“Art Uz Promotion Agency”, шунингдек, “Saxovat”, “Webel” савдо белгилари ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда спортни кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Оғир пандемия шароитига қарамай, аҳолининг кўнгилли дам олиши, кайфиятини кўтариш борасида қўллаб-қувватлаш олиб борилмоқда. Бу жараёнда белгиланган карантин қоида ва талабларига қатъий амал этиш, масофа сақлаш, очик осмон остидаги тадбирларни ўтказишга жиддий аҳамият қаратилмоқда.

3-бет



# Янги таҳрирдаги ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ маъқулланди

1-бет

Амалдаги Шаҳарсозлик кодекси 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, 7 боб ва 59 та моддадан иборат эди.

Тақлиф этилган янги таҳрирдаги Кодекс 12 та боб ва 85 та моддани ташкил этиб, унга янги 5 та боб ва 26 та модда киритилган. Шунингдек, 20 дан ортиқ моддаларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Янги Кодексни ишлаб чиқишда соҳа мутахассислари бошқа мамлакатлар тажрибасини ҳам инобатга олишган. Хусусан, Россия, Буюк Британия, Финляндия, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа давлатларда шаҳарсозлик соҳасида қабул қилинган бир қатор метёрий-ҳуқуқий актлар ўрганиб чиқилган ҳолда ҳужжатга тегишли нормалар киритилди.

Янги таҳрирдаги Шаҳарсозлик кодексида "аҳоли пункти", "шаҳар", "шаҳарча" ва "қишлоқ (овул)" объектилар турлари, "ўзбошимчилик билан қурилиш қилиш", "урбанизация" тушунчалари, шаҳарсозлик фаолиятида фуқаролар муҳокамаси иштироки ва бошқа ибораларга тушунчалар берилмоқда.

Шунингдек, Кодексда норматив-техник ҳужжатларни жорий этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича янги нормалар мустаҳкамланмоқда. Яъни:

– шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамасида жамоатчилик назоратининг иштироки таъминлаш;

– юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қоплатишнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган янги норма;

– пудрат учун давлат шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби ва пудрат ишлари қатъий шартнома асосида амалга оширилиши;

– шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, эндиликда Кодексга мувофиқ 2 ёки 3 қаватли уй-жой қуришда яққа тартибдаги фуқаролар учун маълум чекловлар ўрнатилди. Ушбу жиҳат "Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун билан мустаҳкамланди.

Бионоларнинг баландлиги 2 ёки 3 қаватдан юқори бўладиган бўлса, мажбурий равишда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтиши керак ҳамда тегишли назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтгандагина қурилишга тавсия этилади.

Чунки асосий масала, бу фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Биз сейсмик зонада истиқомат қиламиз, шунинг учун ушбу нормалар сейсмик хавфсизлик, ёнгин хавфсиз-



**Бионоларнинг баландлиги 2 ёки 3 қаватдан юқори бўладиган бўлса, мажбурий равишда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтиши керак ҳамда тегишли назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтгандагина қурилишга тавсия этилади. Чунки асосий масала, бу фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Биз сейсмик зонада истиқомат қиламиз, шунинг учун ушбу нормалар сейсмик хавфсизлик, ёнгин хавфсизлик масалаларини ечиб беради"**

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирининг ўринбосари  
Шухратхўжа Ҳашимов.

лиги ва бошқа хавфсизлик масалаларини ечиб беради, – деди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари Шухратхўжа Ҳашимов.

Уз ўрнида, мазкур Кодексда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига қўйиладиган талаблар акс эттирилиб, уларга асосан шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти, суғурталаш ва шаффоқлиги таъминлаш, шу жумладан, қурилишда суғурталаш, шунингдек, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, мазкур нормаларнинг белгиланиши соҳада бюрократик тусиқларни бартараф этиш, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда шаҳар чегараларини аниқлашнинг янги қўниги асосларини яратди.

Хусусан, шаҳарсозлик нормалари ва қондалари ишлаб чиқилишининг тартиби, мuddатлари ва уларнинг йўналишлари белгиланиши, рақобатни ривожлантириш орқали инвес-

тиция муҳити яхшиланиши, шаҳарсозлик соҳасида жамоатчиликнинг кенг иштироки, атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳолининг соғлигини асраш, яшаш ва фаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини белгилашга имкон яратиши таъминланади.

Энг асосийси, жамият ва давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш ва ҳимоя қилиш механизми яратилди. Аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини кўтариш имконияти вужудга келди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мазкур Кодекс қурилиш фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган.

Утказилган муҳокамалар, Қурилиш вазирлиги раҳбариятининг чиқишларидан сўнг Сенат аъзолари ушбу қонунни маъқуллашди.

Ўз мухбиримиз.

# Қурилиш соҳасида коррупция: ШАФФОФЛИК ВА ОШКОРАЛИК АСОСИЙ МАСАЛА

1-бет

Табиий жиҳатдан эса коррупциянинг қанчалик хавфли эканлигини билиш учун жорий йилда мамлакатимизда рўй берган Бухородаги кучли шамол натижалари ҳамда Сардоба сув омборининг ўпирилиши оқибатларини эслашнинг ўзи kiffo.

Бу борада Президентимиз Ш. Мирзиёев ҳам ўз баҳоларини бериб ўтган.

– Бухоронинг Қоракўл туманида 2020 йилда қуриб битказилган боғчаларнинг ярми қолган. Бу нима деган гап?! Мана, бизнинг қурилиш соҳасидаги сифатимиз. Узим бир эмас, бир неча марта юқоридан кўрдим. Қаерда сифат бўлган бўлса, натижаси кўриниб турибди. Қаерда сифат бўлмаган бўлса, коррупция, ўғрилиқ. Тендерларни «ура-ура» қилган ташкилотлар, – дея таъкидлаган эди.

Амалиётда, тендер қолиблари томонидан объект устида бирор-бир иш бажармасдан, барча ишларни ёрдамчи пудратчиларга шартнома орқали топшириб, ўртада объект баҳосининг 5-7 фоизи миқдорда фойда олиш ҳолатлари учрайди.

Масалан, Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК томонидан 2019 йил давомида "1-сонли трест Нурафшон қурилиш инвест" МЧКга 7 та объектларда умумий қиймати 11,9 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бериш топширилган. Жамият томонидан эса, ушбу объектлар буйича бирор-бир иш олиб борилмасдан, ёрдамчи пудратчилар жалб этилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиғича улар орқали бажарилган. Шу орқали бош пудратчи ўртача 5 фоиз ҳисобланганда 595 миллион сўм миқдорда фойда кўрган.

Ушбу ҳолатда дастлабки қолибни аниқлаш учун ўтказилган тендер ўз мазмун-моҳиятини йўқотди. Чунки унда ютиб чиққан пудратчи ишни хоҳлаган суб-пудратчи топшираверади. Мазкур амалиётга чек қўйиш мақсадида пудратчилар танлов объектнинг камида 25 фоизини ўз кучи билан бажаришини белгилаш тақлиф этилади.

Амалдаги қонунчиликка асосан қурилиш соҳасида тендер савдоларини ютиб чиқиш учун талабдор охириги 3 йилда барқарор фаолият юритган бўлиши лозим. Янги ташкил этилган қурилиш компаниялари эса, тендерни ютиб чиқиш имкони йўқлиги сабабли, фақат суб-пудратчи сифатида фаолият олиб бормоқда. Шу боис, тендерларда талабдорларни баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиб, янги ташкил этилган компанияларга имконият берувчи нормалар киритиш тақлиф этилади.

Танлов савдолари мажлис шаклида ўтказилади. Мажлис протокол шаклида расмийлаштирилади. Танлов савдолари ёпиқ мажлисда ўтказилади ва фақат талабдорлар пудратчиларнинг раҳбарлари, бош бухгалтерлари ёки ишончнома асосида бошқа шахслар қатнашиши мумкин.

Бу борада Корея Республикаси ўзининг илғор ва синалган тажрибасига эга. 2002 йилдан бошлаб Корея Республикасида давлат харидлари онлайн тарзда ўтказилмоқда. Давлат харидлари Кореянинг Давлат харидлари марказий агентлиги томонидан амалга оширилади. "KONEPS" (Korean online electronic procurement system) тизими ўзида давлат харидини амалга оширишнинг барча босқичларини қамраб олган бўлиб, тендер ўтказиш, шартнома тузиш, солиқ тўловларини амалга ошириш ҳамда ҳужжатлар айланмаси тўлиқ дастур доирасида бажаради.

Қурилиш соҳасида жиноят содир этган шахсларга инвестиция дастурлари яна топширилиши уларнинг жазодан қўрқмаслик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Жорий йилнинг март ойи ҳолатида инвестиция дастурлари доирасида 143 миллиард сўмлик 83 та объектлар муқаддам қурилиш соҳасида талон-тарожликлари учун жавобгарликка тортилган шахсларга топширилган.

Россия қонунчилигига асосан давлат хариди учун талабдор жисмоний шахс ёки юридик шахснинг раҳбари, коллегал ёки яққа ижро органи директори ёки бош бухгалтерия муқаддам пора олиш, пора бериш,



пора олиш-беришда воситачилик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш жиноятларини содир этганлиги учун судланмаган бўлиши лозим.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни 17-моддаси, 1-қисмига қилиш тартиб-таомилларида давлат харидларини ижро этиш учун талабдор жисмоний шахс, юридик шахс раҳбари, коллегал бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси, бош бухгалтер ва асосий бенефициари муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 183, 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун судланмаган ёки танлов кунига қандар 2 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этмаган бўлиши лозимлиги тўғрисида норма киритиш тақлиф этилади.

Ғарбий Европа, АҚШ ва бошқа ривожланган хорижий давлатларда капитал-қурилиш соҳасининг асосий иштирокчилари нодавлат сектор вакиллари ҳисобланади. Шу боис, коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий экспертларнинг тақлиф ва тавсиялари ҳам асосан хусусий сектордаги коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Шунга қарамайдан, капитал-қурилиш соҳасида давлат тақлифлари амалга оширишда коррупцияни олдини олишга қаратилган бир қатор хорижий давлатлар ҳамда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг тажриба ва тавсияларини кўриб ўтишимиз мумкин.

Капитал-қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш юзасидан муайян бир расмий қурилиш соҳасида мавжуд эмас. Шунга қарамайдан, БМТ, Жаҳон банки, "Transparency International" ва бир қатор бошқа халқаро нотижорат ташкилотлари томонидан соҳада коррупцияни камайтиришга қаратилган тақлиф ҳужжатлар тузиб чиқилган.

Жумладан, БМТнинг 2030 йилга қадар барқарор ривожлантириш дастури (UNDP) ўзи ичига 17 та мақсад киритган бўлиб, улардан 16-мақсад тинч, адолатли ва таъминланган жамият қуришни ўз ичига олади. Бунда 2030 йилга қадар барқарор ривожлантириш дастурини рўйбга чиқариш учун бугунги кунда ҳар йили бир неча триллион долларлаб маблағларни "ўғирлаётган" жаҳон капитал-қурилиш тизимидаги коррупция, бартараф этилиши лозим бўлган энг муҳим муаммолар сирасига киритилган. Жаҳон банки эса капитал-қурилиш соҳасининг энг биринчи босқичи ҳисобланган ер ажратиш ва ер майдонларини фойдаланиш юзасидан тўғри давлат бошқарувини баҳолаш тизимини ишлаб чиққан.

2013 йилдан буён иш олиб бораётган мазкур платформа доирасида давлатларнинг ер ажратиш, ерга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштириш, қишлоқ ҳужалиги, ўрмон ҳужалиги ва аҳоли пунктлари ерларидан унумли фойдаланиш тизимини 9 та йўналишда баҳолайди. Бугунги кунга қадар ушбу дастур доирасида жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ер ажратиш тизимининг ҳуқуқий ва институционал асослари, ер ажра-

тишда режалаштириш, бошқарув ва солиқ тизими, давлат эгалигидаги ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда ерга бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштиришга доир фаолият баҳоланган.

Соҳада коррупцияни бартараф этиш ҳамда шаффоқлиқни тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни муваффақиятли олиб бораётган халқаро ташкилотлардан бири сифатида "CoSt" халқаро шаффоқ қурилиш дастурини олишимиз мумкин. Мазкур дастур 2012 йилдан бери фаолият олиб бораётган бўлиб, бугунги кунда 15 та мамлакат билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Тадбирлар довомида қуйидагилар соҳада коррупцияни бартараф этиш учун тавсия қилинган.

– буюртмачи томонидан давлат харидларини амалга ошириш юзасидан олиб борилган барча маълумотларни ошкор қилиш;

– ҳар бир объект учун бўлиб ўтган тендер (танлов) жараёнида давлат органи мутасадди ходимлари, хусусий сектор ва жамоатчилик вакиллари қатнашишлари ҳамда тендер (танлов) жараёни ва натижалари барча учун очиқ бўлиши;

– жамоатчилик мониторинг гуруҳларини ташкил этиш орқали жамоатчиликнинг ижтимоий фаоллигини ошириш.

Мазкур ташкилот томонидан унга аъзо бўлмаган давлатлардаги фуқаролар учун қурилиш тизимида коррупцияни олдини олишга қаратилган алоҳида қўлланмалар ишлаб чиқилган. Ташкилотга аъзо давлатларга эса, ташкилот доим йирик қурилиш объектиларида ўзининг қўшимча анти-коррупцион экспертизасини тақлиф қилади. Бундай амалият тадбирлар айрим давлатлар учун бюджет маблағларини сақлаб қолишга сабаб бўлган.

Соҳада шаффоқлиқни тарғиб қилиш халқаро дастурлардан яна бири сифатида 2012 йилда Жаҳон банкидан алоҳида дастур сифатида ажралиб чиққан "Open contracting partnership" дастурини олиш мумкин. Мазкур ташкилот давлат органлари, ташкилот, идора ва муассасалар ҳамда давлат эгалигидаги корхоналар томонидан ўтказилган ҳар қандай давлат харидларини интернет тармоғига очиқ равишда эълон қилиб боришни тарғиб қилади. Бугунги кунга қадар, ушбу ташкилот дастурини 30 дан ортиқ давлатлар имплементация қилган бўлиб, мазкур давлатлар томонидан ушбу ташаббус юқори даражада баҳоланган.

Хорижий экспертлар томонидан соҳада коррупциянинг олдини олиш юзасидан берилган тавсияларга одоб-ахлоқ қоидаларига тааллуқли тавсияларни кўп учратамиз.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, рақамли шаффоқ технологиялар ҳамда жамоатчилик назорати институтлари воситасида капитал-қурилиш тизимида учраётган коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришимиз мумкин бўлади. Бу борада юртимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги "Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Шаффоқ қурилиш" миллий асосан тизими ишга туширилди.

# Қурилиш соҳаси пешқадам бўлди

Ҳилола ИСМАТОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бутун дунё ахлини таълиққа солган 2020 йил тарих саҳифаларидан жой олди. Юртбошимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, ўтган йил нафақат халқимиз, балки бутун Ер юзи ахли учун ўта оғир синовлар йили бўлиб, ҳар бир инсоннинг барча фазилатини ҳислатларини жиддий кўриқдан ўтказди.**



миллиард сўм бўлган 626,5 километр электр таъминоти линиялари барпо этилиши аҳолига кўрсатилаётган эътибор намунасидир".

Шунингдек у "Бундан ташқари, тасдиқланган Инвестиция дастурлари доирасида бунёдкорлик ишлари изчи давом эттирилиб, 11 та тиббиёт муассасаси, 18 та умумтаълим мактаби ва 11 та мактабга таълим муассасаси ҳамда кўплаб ижтимоий соҳа объекти янгидан қурилгани, қайта реконструкция қилинган халқимиз саломатлигини таъминлаш ва келажак авлод вакиллари-нинг муқаммал таълим олишига мустаҳкам замин яратди", дея соҳада эришилган ютуқларга алоҳида ургу берди.

Ушбу рақамлардан ҳам билишимиз мумкинки, ўтган йилнинг ҳар қанча машаққатларига қарамай бунёдкорлик ютуқларимизнинг бош саҳифаларидан ўрин олди.

2021 йил ҳам қурилиш соҳасида янги марраларга замин яратишига шубҳа йўқ. Зеро Президентимиз ўз Мурожаатномасида, эҳтиёмжанд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишларнинг янада кенгайтирилиши, ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалларини тўлаш ва кредит фойзаларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилиши ҳақидаги сўзларидан ҳам билишимиз мумкинки, ушбу йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бунёдкорлик ишлари янада жадаллик билан давом этади.

Мана шундай синовли кунларда ҳам олийжаноб халқимиз фидойилик, сабру қаноат, ташаббускорлик, қатъиятлик, масъулият ҳисси, меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик каби хислатлар, бир сўз билан айтганда, юксак инсонийлик намуналарини кўрсатиб, дунё эътирофига сазовор бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда "Халқимизнинг буқилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқдамиз".

Президентимиз ўз Мурожаатномасида "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" дастури ижросига алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда Навоий вилоятида ҳам ҳар бир соҳа бўйича улкан натижаларга эришилди, яратувчанлик, бунёдкорлик, аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш ва юрт фаровонлиги йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Навоий вилояти ҳокими Қобил Турсунов Янги йил муносабати билан вилоят аҳлига йўллаган табригида қурилиш соҳасида эришилган ютуқларга алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

"2020 йилда қиймати 296,3 миллиард сўм бўлган 1792 та уй-жой, ижтимоий соҳа ва қишлоқ инфратузилмаси объектилари барпо этилди. Аҳолининг муқаммал ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида умумий қиймати 42,8 миллиард сўм бўлган 83 километр ичимлик суви, умумий қиймати 218,7 миллиард сўм бўлган 609,6 километр маҳаллий ва ички йўллар, умумий қиймати 850,8 миллион сўм бўлган 6,0 километр табиий газ, умумий қиймати 30,4



# МУЗ МАЙДОНИ ЧОРЛАЙДИ

1-бет

Қисқа фурсатда қуриб битказилган мазкур муз майдончаси ҳарорат +15 даражагача бўлган шароитда ҳам ишлаши мумкин. Илғор технологиялар асосида бунёд этилган муз майдони махсус совутиш-музлатиш технологияларига асослангани билан аҳамиятлидир.

Энди бу ерда бир ой давомида болалару катталар мириқиб коньки учини, турли қизиқарли мусиқий фестиваллар, ижодий танловлар, шоу-дастурлардан баҳраманд бўлиши мумкин.

...Совуқ яхшигина ҳукмини ўтказишига қарамай Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрига туташ майдон одамлар билан гавжум. Мусиқанинг жўшқин садолари авжида. Гуёки совуқ забот одамларнинг иштиёқи, завқи, шаҳд-шиддати олдига енгилгандек. Тадбирнинг очилишида сўзга

чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев бундай муз майдони пойтахт тарихида илк марта ташкил этилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимовнинг табриги ўқиб эшиттирилди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда халқимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кўплаб амалий лойиҳалар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Тадбирда ажойиб мусиқий дастур билан бирга россиялик фигурали учуши устаси Алексей Ягудин иштирокидаги дастур томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. А. Ягудин тўрт карра жаҳон, уч карра Европа чемпионати, икки карра фигурали учуш бўйича халқаро мусобақа финали Гран-при сининг совриндоридир. Унинг ижросидаги "Қиш" номили бадиий дастур томошабинларга манзур бўлди.



Кейинги йилларда мамлакатимизда спортнинг ушбу тури ҳам ривожланиш босқичига кирмоқда. Фигурали учуш бўйича ёш спортчиларнинг бадиий чиқишларида бу яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди. Шаҳар марказидаги муз майдони



бир ой муддатга ўрнатилган. Бу вақт мобайнида очик осмон остидаги муз майдонида қатор маданий-кўнгилочар ва спорт тадбирлари ўтказилади. Хусусан, "Dance Music Fest Winter", "Iosus Fest", "Tashkent Rap Festival" мусиқий фестиваллари, шунингдек, хок-

кей бўйича ўсмирлар чемпионати, муз устида рақс шоуси каби тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга ташкилотчилар томонидан фудкорт зона хизмати йўлга қўйилиб, унда пойтахтимизнинг тез овқатланиш, қандолатчилик ва қаҳва

брендлари фаолият юритади. Майдон олдига чанги ва бошқа учуш аксессуарлари ижараси пункти хизмати йўлга қўйилади.

Очик осмон остидаги муз майдонининг очилиши чинакам спорт, саломатлик байрамига айланади.

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2020 йил 18 декабрдаги 99 (448)-сониди Самарқанд вилояти ҳокимлиги буюртмасига асосан берилган Тайлоқ ва Ургут туманларидаги кўп қаватли уй-жойлар қуриш объектлари бўйича ўзгартириш киритилиб, уй-жойлар сони кўпайгани сабабли қайтадан қўйидаги эълон берилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги "Ипотека кредити механизмлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ПФ-6126-сонли фармонига мувофиқ, Самарқанд вилоятидаги қишлоқ жойларида янги тартиб асосида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

**2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади**  
**№ 2021-01**

Танлов савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 5 январь.

Танлов тақлифларини тақдим этиш учун охириги муддат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси: тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларида олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қўйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Самарқанд вилояти ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини қўйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишга тақлиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қўйида кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Д" корпус, 403-хона.  
Телефон: 66-231-13-51, 66-233-32-00.  
Эл. почта манзили: samtender2013@mail.ru

5. Танлов ҳужжатлари нусхасини олиш учун иштирокчилар қўйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

"Самарқанд вилояти, \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ масивдаги, \_\_\_\_\_ лот бўйича \_\_\_\_\_ та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришигизни сўрайман." шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиши лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қўйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ, сўм	Сўнгги 1 йил ичда бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси, сўм	Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми, м³	Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари, м³	Сўнгги 1 йилда қуриб биттирилган объект майдони, м²
Ҳақлиқ қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	7 800 000 000	6 600 000 000	600	900	2000

### Лотлар рўйхати

Лот №	Худуд	Массив номи	Хонадон сони	Ҳақлиқ қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар			Тақлифларни топширишнинг охириги муддати
				сон	Хона дон	уй рақами	
ЖАМИ							
1-Лот	Тойлоқ тумани	Чарағбон	70	1	70	1	2021 йил 4 февраль, 10.00
2-Лот		Чарағбон	70	1	70	2	2021 йил 4 февраль, 10.00
3-Лот	Ургут тумани	Янгибод	64	1	64	1	2021 йил 4 февраль, 10.00
4-Лот		Янгибод	36	1	36	2	2021 йил 4 февраль, 10.00

## «QASHQADARYO TECHNOLOGIK TRANSPORT» AJ

**2020 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мақсадида мустақил ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танловда Корпоратив бошқарув Кодексига белгиланган ташкилотлар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Танловдаги тақлифлар кўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади: корпоратив бошқарув тизимида ўтказилган баҳолашнинг дастлабки қиймати билан танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчисининг тақлифи;

Давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома, аудиторлик ташкилотлари учун берилган аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва қимматли қоғозлар бозорининг

профессионал иштирокчилари учун берилган лицензияларининг нусхалари;

ташкilot ҳақида маълумот; аудиторнинг малака сертификати, қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака сертификати, корпоратив бошқарувнинг малака сертификати ва бошқа халқаро сертификат нусхалари.

Корпоратив бошқарув тизимининг баҳолаш усули: жамият корпоратив бошқарув тизими баҳолашида иштирок этувчи мутахассисларнинг тегишли ҳужжатлар нусхаларини тақдим

этиш билан бирга улар тўғрисидаги маълумотлари.

Жамият корпоратив бошқарув тизими баҳолашининг ўтказилиш даври – 2021 йил февраль ойида.

Танловда иштирок этиш учун қўйидаги манзилда жойлашган жамиятнинг корпоратив бўлимига тақлифларни 2021 йилнинг 1 февралига қадар тақдим этиш мумкин: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй,

Масъул шахс – Б. Эшанкулов.  
Телефон: 99-750-26-00,  
факс: 75-780-85-42,  
Электрон почта: qatt00@mail.ru

## «QASHQADARYO TECHNOLOGIK TRANSPORT» AJ

**Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил якунлари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг (СМК) бажарилиши ва жамият бошқарув органининг фаолияти самарадорлигини баҳолашни текшириш ва фоизини аниқлаш бўйича мустақил аудит ташкилотларни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танловда иштирок этишни истаган аудиторлик ташкилотлари 2021 йил 6 январдан 1 февралга қадар жамият кузатув кенгашига ўз тижорат тақлифларини тақдим этишлари лозим.

Иштирокчиларга қўйидаги талаблар: аудиторлик фаолияти юзасидан лицензияга эга бўлиши; Давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига киритилганлиги; аудитор малака сертификати эга ҳодимларнинг квалификациян рўйхати нусхаси;

суғурта полиси нусхаси; ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси бўйича давлат назорат органлари олдидидаги жавобгарлиги.

Манзил: 180 100, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй.  
СТИР: 201 560 065.  
Телефон: 99-750-26-00, факс: 75-780-85-42,  
Электрон почта: qatt00@mail.ru,  
qashqadaryotextrans@mail.ru

Жамият ижроия органи.

## “Regionlararo mulk markazi” МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Савдога "AGROTEXMASH-DD" МЧЖнинг 2020 йил 10 декабрдаги 51-сонли буюртномасига асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 117-уй манзилида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 304 MFA бўлган "Chevrolet Cobalt" русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 79 837 905,82 сўм.

2. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 734 MFA бўлган "Chevrolet Damas" русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 68 623 334,20 сўм.

3. 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 298 MFA бўлган "Chevrolet Lasetti" русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 103 381 787,48 сўм.

Аукцион савдолари 2021 йил 11 январь кунни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2020 йил 8 январь кунни, соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 11 январь кунни сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2021 йил 18, 25 январь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 банк кунни ичда сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ «DAVR-BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, С. Азимов 5-тор кўчаси, 5-уй.  
Тел.: 95-199-12-21, 93-534-05-00.

880847 рақамли гувоҳнома.

## ТУЗАТИШ

**“O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 2020 йил 18 декабрдаги 99-сониди “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ томонидан эълон қилинган**

3. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 011 JAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 17 048 457 сўм.

4. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 011 JAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 9 359 404 сўм.

5. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 697 WAA

бўлган "УАЗ-396292016" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 11 462 827 сўм деган сўзлар қўйидагича ўқилсин:

3. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 011 JAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 13 737 689 сўм.

4. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 376 HAA бўлган "ГАЗ-3307" махсус цистерна

русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 8 156 589 сўм.

5. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 697 WAA бўлган "УАЗ-396292016" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 8 907 282 сўм, деб ўқилсин.

Телефон: 91-421-00-88.  
Веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.



## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ УЧУН ЯНГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ

Юртимизда ошқозон-ичак касалликлари етакчи ўринда бўлиб, катта ёшдаги одамлар орасида 8-10 фоизни ташкил этади. Нотўғри овқатланиш, бунинг натижасида ортиқча тана вазнининг ортиши асосан қабзят, ошқозон ости бези касалликлари, ўт қоли, яра ҳамда жигар хасталиklarининг кўпайишига олиб келмоқда.



ларига устувор эътибор қаратиш, барча тармоқларнинг барқарор ривожланиши пандемия шароитида ҳам Президентимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси халқимизнинг келгусидаги тараққиёти стратегиясини белгилаб беришда муҳим дастуриламалдир.

Мазкур сўхатгоҳнинг илк дам олувчилари ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар, меҳнат фахрийлари бўлишди. Санаторияда даволаш ва профилактика муолажалари учун илғор технологиялардан, даволаш усулларида кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда яшаш, саломатлигини тиклаш учун бир жойда шариат яратилган аҳамиятлидир. Айни пайтда касабга уюшмалари томонидан жами 13 минг 500 нафардан ортиқ ўқитувчини соғломлаштириш кўзда тутилган. Ҳозир ана шу фидойи ўқитувчиларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Ушбу санатория гастрофиброскопия, кольскопия, УТТ, зарб тўлқинли даволаш, озонотерапия, умуртқани тортиш, юқори ва паст частотали физиотерапевтик усуналар, парафин-озокерит воситасида даволаш учун зарур барча жиҳозлар билан таъминланган. Даволанувчиларга 113 нафар юқори малакали тиббиёт мутахассиси хизмат кўрсатмоқда. Санаторияга Ёзувчилар уюшмаси томонидан бадий адабиётлар совға қилинди.

Ўз мухбиримиз.

засидан чиқадиган термал, кам маъданли, хлорид-сульфати-натрий-гидрокарбонатли (+510) Бюветнинг шифобахш сувлари билан даволаш муолажалари амалга оширилади.

Санаториянинг тантанали очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бехзод Мусаев, Тошкент шаҳри ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев, халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Ҳожибоев, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Қаҳрамони, фахрий ўқитувчи Турғун Азларов ва бошқалар инсон манфаат-



Таваллуд айёмингиз  
муבורак бўлсин!

### ЯНВАРЬ ОЙИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДА ЎЗ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИНИ НИШОНЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси Дилшод Ахмедов, етакчи мутахассислари Гулчеҳра Аблакимова, Акбар Джолдасов, иш юритувчи Наталья Инамова, электрик Асомиддин Фазлиддинов,

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси иш юритувчиси Шаҳлохон Саидахмедова,

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК юристконсулти Зайниддин Назаров,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси Валентина Лисенова, Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича бош мутахассиси Ғайрат Рахмонов, Бухоро вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори Умризаг Сайфиев, бош мутахассиси Уткир Холмёров,

Жиззах вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси Баҳодир Синдоров, мутахассиси Улугбек Зийёев, етакчи мутахассислари Мамажон Хазраткулов ва Ихтиёр Тошпўлатов,

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси юрист-маслаҳатчиси Исмаилов Улашов, етакчи мутахассиси Зоир Чориев,

Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси Ражаббой Баймуратов, ҳисобчиси Гулрух Бердиева, Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси АРТ мутахассиси Анвар Бахидов,

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Сирдарё вилояти филиали раҳбари Бурибай Ғаймов,

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Сурхондарё вилояти филиали раҳбари Анвар Дониёров,

Хоразм вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори Йўлдошбай Ҳакимов, бош мутахассиси Зафарбек Муратовларни чин дилдан муבורакбод этамиз.

Барчангизга сихат-саломатлик,  
узоқ умр, оилавий хотиржамлик,  
файз-барака,  
муштақам соғлиқ тилаймиз!

Янги йилни андижонлик бир гуруҳ оилалар янги уйда кутиб олди. Андижон туманида истиқомат қилувчи Нигорахон Аҳмедова ана шундай бахтли ҳамюртларимиздан бири.

## Янги йил янги уйларда кутилди

Зиё СИРОЖ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

– Фарзандим ногирон бўлгани боис бирор жойда ишолмайман, – дейди Нигорахон. – Унга доимий эътибор керак. Бироқ тирикчилик ҳам кутиб турмайди, у ҳар куни ҳаракат қилишни талаб этади. Шу боис туман ҳокимлиги томонидан тикув машинаси ажратилди. Энди уйдан чиқмаган ҳолда даромад топаман. Янги йил арафасида икки хонали уй билан таъминланганим эса ҳаётимнинг энг қувончли лаҳзалари бўлди.



Худди шу сингари Янги йил арафасида 121 нафар опа-син-

г и л л а р и м и з ўзларининг кўшалок байрамларини нишонлашди. Улар Ҳўжабод туманидаги Абдулла Набиев номи массивда қуриб битказилган турар жой биналарига кўчиб ўтишди.

Энг баҳаво худудлардан бири – «Боғишамол» адирликларидан бошланган уй тўлири вилоят марказидаги Муствақиллик кўчасида давом этди. Бу ерда турли соҳаларда муваффақиятларга эришадиган 60 та ёш оилага уй-жойлар топширилди. «Ешлар уйлари» 20 йил муддатга имтиёзли Ипотека кредити асосида берилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш ўринлики, вилоятда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар тобора авж олмоқда. 2020 йилнинг ўзига 142 та кўп қаватли уйлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. 2021 йилда бу кўрсаткич ортиб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш даражаси янада юқори кўрсаткични эгаллаши, шубҳасиз.

## Ободликка юз тутган туман

Наргиза МИРЌУБОВА,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Обод манзиллар самараси Тошкент вилоятининг Бўка туманида яшовчилар ҳаётида ҳам акс этмоқда. Аҳамиятисиз, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридан ўрин олган лойиҳаларнинг ҳар бирида, энг аввало, инсонлар манфаати кўзда тутилган.

Жумладан, 2021 йил бўқалиқлар ҳаётида муҳим ташаббуслар билан бошланди. Бу ерда бир қатор янги объектлар фойдаланишга топширилди. Туманинг Барот Умаров маҳалласидаги 5 гектар майдонда «Агро-инвест» корхонаси ишга туширилган ойнаванд иссиқхона бунга мисолдир. Голландия технологияси асосида иш бошлаган мазкур мажмуа мамлакатимизда саноқли, вилоятда эса биринчи ойнали иссиқхона бўлиб, айни пайтда гидропоника усулида помидор етиштирилмоқда. Агротехнология усулида ишлайдиган «Агро-инвест» корхонаси ўтган йили «Тошлоқ» маҳалласидаги 350 гектар ерда замонавий техникалардан фойдаланиб, булғор қалампир кўчатларини эккан эди.

Соатига 16 минг дона кўчат эккан бу техникаларнинг самараси яхши бўлди. Ҳар гектардан 50 минг дондан зиёд маҳсулот етиштирилди. Айни пайтда корхона бир кеча-кундузда 60 тонна қалампир, сабзи, лавлаги, олма, карам, қовоқ каби кўчатларни куриштириш қувватига эга. Маҳсулотлар Германия, Бельгия, Голландия, Франция, Испания, Россия сингари давлатларга экспорт қилинмоқда. Ойнали иссиқхона эса корхонанинг навбатдаги инновацион инвестиция лойиҳасидир. Бу билан йилига гектаридан 400-500 тонна сифатли маҳсулот етиштириш имкони яратилди.

Маҳсулотларга эса АҚШ, Германия, Польша бозорлари харидор. Иссиқхонанинг ноёблиги – энергия тежамкор, чиқиндисиз фаолият юритиши, ишмаси

тобланган бўлиб, ёруғлики яхши ўтказилади. Бу эса плёнка остидаги иссиқхонага нисбатан 20-25 фоиз кўп иссиқлик ўтказиб беради деганидир. Бир фоиз ёруғлик, бир фоиз ҳосил эканини ҳисобга олсак, ойнали иссиқхонада 20-25 фоиз кўп ҳосил олинади. Бу ердаги барча жараёнлар илм билан бажарилди, 5 гектарлик иссиқхонанинг 3 гектари экин майдони бўлса, қолган қисмида компьютерлашган захира тизими, захира генераторлар жойлашган.

Туман Марказий поликлиникасининг янгидан қурилиб фойдаланишга торширилиши эса хасталикларни барвақт аниқлаш ва даволашда муҳим ўрин тутди. Янги 2 қаватли бинода 32 та йўналишлар бўйича мутахассисларнинг ишлаши учун барча имкониятлар яратилган. Беморларни рўйхатга олишдан, то ташхис қўйиш ва даволашгача бўлган жараён яхлит тизимга келтирилган. Ультратовуш текширув, бош миёна фаолиятини текшириш усуналари, рақамли рентген ва бошқа аппаратлар, электрокардиограмма, ўпкани сунъий шамоллатиш қурилмаси, лаборатория жиҳозлари, катта-кичик жарроҳлик тўпламлари, шунингдек, илк марта аёллар маслаҳатхонаси ташкил этилди.

Тумандаги мактабгача таълим ташкилотлари сони 42 тага етди. Уларнинг 17 таси давлат, 3 таси хусусий, 22 таси оилавий боғчалардир. Натижада 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 34 фоиздан 43 фоизга ошди. Бу жараёнда ҳудуднинг Човлисой қишлоғидаги 15-сонли мактабгача таълим ташкилотининг биноси ҳам мукамал таъмирланиб, замон талабларига мос равишда қад кўтарди. Илгари бу боғчага 100 нафар бола қатнаган бўлса, энди «Човлисой», «Туркистон», «Жамбул» маҳаллаларидаги 210 нафар ўғил-қиз замонавий асосда таълим-тарбия олмақда. Яъни, битта боғча таъмирланиши билан 3 та қишлоқдаги ўғил-қизларни мактабга сифатли тайёрлаш имконияти яратилди.

Муҳтасар айтганда, ҳар бир лойиҳа одамларнинг талаб ва истаклари, реал турмуш ҳамда долзарб масалаларнинг амалий ифодасини ўзига мужассам этади.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наширёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:  
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),  
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,  
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупп,  
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов,  
Қудратбек Хошимбеков.

Тахрират:  
Бош муҳаррир  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Саҳифачи  
Мусахҳиҳ

Дилшод Жалолов  
Абдусами Ҳақбердиев  
Акmal Махкамов  
Райхон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори»  
Наширёт уйи МЧЖ муассислари:  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,  
«Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,  
«ЎзТАШКЛИТИ» ДУК,  
«ЎзШаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвeст» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахрират манзили:  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (котибият),  
71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).  
E-mail: uzbunyodkori@gmail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:  
Қораканлистон Республикаси:  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 90-553-02-34.  
Самарқанд вилояти: 99-705-30-45.  
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.  
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.  
Қашқадарё вилояти бўйича: 99-503-43-39.  
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси – 466. Буюртма – 1143.  
2552 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.  
Баҳоши келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.  
Тахриратга келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.  
Газета тахрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Набатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.  
Набатчи – Б. Гулямов.  
ЎЗА якуни – 21.05. Топширилди – 23.50.  
12.3.4.5.6